

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 10 ноябрь, № 218 (5385) Пайшанба


# БАРКАМОЛ АВЛОД – ВАТАН ИҚБОЛИ

***Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоғдай кўтарилади.***

**Ислом КАРИМОВ**

## 10 ноябрь — Халқаро ёшлар куни



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Истиқлол йилларида юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Шу маънода, биз қуришни мақсад қилган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти ҳаётимизга кириб келаётган янгиланишлар жараёни, ислоҳотлар самараси, энг аввало, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган. Ўз навбатида, ёшларимиз ҳам илм-фан ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари билан давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка муносиб жавоб бермоқдалар.

...Шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда ҳамма давлатда ҳам ёшларга, уларнинг билим олиши ва келажагига бўлган муносабатни ижобий деб бўлмайди. Қай бир мамлакатда ишсизлик авж олиб, бошқа бирида тинчлик деган улуғ неъматга завол етмоқда. Бундай давлатлар фуқароси фарзандининг келажаги ҳақида эмас, аввало, жонини асраш ҳақида ўйлайди. Шундай мамлакатлар борки, болаларини ўқитиш, қорнини тўқ, устини бут қилишга қурби етмайди. БМТ маълумотларига кўра, бугун дунёда 854 миллион одам очарчиликдан азият чекмоқда. ЮНЕСКО маълумоти бўйича дунёда мактаб ёшидаги 100 миллион бола ўқиш имкониятидан маҳрум. Бизнинг озод ва обод мамлакатимизда эса бугун спортда, санъатда, илму фанда, ишлаб чиқаришу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ўзлигини намоён этаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бундай муваффақиятларга эришишда, аввало, давлатимиз, қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу борада, айниқса, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятини алоҳида эътироф этиш керак. Хусусан, "Фонд Форум" томонидан мамлакатимизда иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар долзарблиги, кўп қирралилиги, оммавийлиги билан ажралиб туради. Жамғарма ташкил этилган илк даврданоқ ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***БУХОРО шаҳридаги "Умидтекс" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бундан беш йил олдин бошлаган эди.***

## Ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда

— Шу вақт оралиғида ишчиларимиз сони 70 нафарга етди, — дейди корхона масъул ходимларидан бири Муртазо Тоғаев. — Жорий йилнинг ўтган даврида 7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Қарийб 100 минг АҚШ долларилик калава ипни экспорт қилишга эришдик. Айни пайтда модернизация тадбирларини амалга ошириш ҳаракатидамиз. Мақсадимиз рўёбга чиқиши билан экспорт салоҳиятимиз ҳам юксалади.

Корхонада йил охирига қадар яна 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СУРХОНДАРЁ. — Илгари туманимиз пиллакорлари томонидан етиштирилган маҳсулот хом ашё сифатида хорижга сотиларди, — дейди Денов туманидаги "Ипак" масъулияти чекланган жамияти раиси Муҳаммади Очилдиев.***

## Интилиш натижаси

— Қолаверса, бу жараён учун узоқ вақт ҳамда ортиқча сарф-харажат талаб этиларди.

Термиз шаҳридаги "INTER SILK PRO" қўшма корхонаси иш бошлаши билан мазкур муаммоларга барҳам берилиб, пиллани қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхонага хориждан 1 миллион 480 минг АҚШ долларилик илғор технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 110 киши меҳнат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, биргина Термиз шаҳрида жорий йил учинчи чорагида 6 та йирик корхона фаолият бошлади.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Маҳаллийлаштириш дастури ижроси нафақат янги ишлаб чиқариш объектлари ташкил этилиши, балки мавжуд корхоналар фаолияти кенгайишига ҳам замин яратмоқда.***

## Дастур, сармоя ва самара

Мазкур дастур туфайли маҳаллий саноатчиларимиз ички бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб, ташқи бозорга дадил чиқиб бормоқда.

Хусусан, Нукус шаҳрида фаолият юритаётган "ККРАСИ Бетон" масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 225 минг АҚШ долларилик техник ва технологик янгиланишлар олиб борилди. Натижада бу ерда беш турдаги 2,5 минг кубометр бетон маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келиб, 23 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ЖИЗЗАХ шаҳридаги "Заргарлик нон" шўъба корхонасига замонавий технологиялар ўрнатилгач, унинг қуввати икки баробарга ортди.***

## Дастурхонимиз файзи

Шунингдек, бу ерда 10 турга яқин нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, 58 нафар киши меҳнат қилаётган мазкур корхонанинг вилоят маркази, Бахмал ва Пахтакор туманларидаги шохобчалари орқали жорий йил ўтган даврида 1 миллиард 431 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбир

***Пойтахтимизда Ижтимоий телерадиороликлар IV миллий фестивали ўтказилди. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимизда фаолият юритаётган нодавлат телерадиоканалларнинг вакиллари ўз ижодий ишлари билан қатнашди.***

## МИЛЛИЙ ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, социал-маданий ҳаётида кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилди. Айниқса, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ёшларнинг соғлом, маънан етук инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит яратилди. Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

# ОИЛА — ЖАМИЯТ АСОСИ

***"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги ижтимоий сўровда мамлакатимизда истиқлол йилларида оилани муҳим ижтимоий институт сифатида ривожлантиришнинг омиллари нималардан иборат, уни мустаҳкамлашда миллий маънавий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти қандай, деган саволларга жавоб олинди. Ушбу ижтимоий таҳлил оила институти жамиятимизда улкан аҳамиятга эга эканини кўрсатди.***

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида юксак маънавиятни шакллантириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишларидандир. Бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда оила институти зиммасига катта масъулият юкланган. Оила бу борада зарур имкониятлар ва салоҳиятга эга.

Аҳоли ўртасида ўтказилган сўров буни яна бир бор тасдиқлади. Сўров иштирокчилари оилани жамиятнинг маънавий негизи ва шахсни тарбиялаб, вояга етказадиган муҳим асос, деб ҳисоблайди. Мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ушбу ижтимоий институтни мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирларни юқори баҳолайди, сўров қатнашчиларининг 85,2 фоизи давлатимиз уларнинг оилалари ҳақида юксак ва етарли даражада ғамхўрлик кўрсатмоқда, деб ҳисоблайди.




*«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан.

Улар оилани (80,9 фоиз), маҳаллани (56,5 фоиз), таълим муассасаларини (49,6 фоиз) ва ижтимоий муҳитни (45,8 фоиз) инсон маънавиятини шакллантиришнинг муҳим омиллари, деб билади. Мамлакатимизда замонавий оила ҳаётида ёшларнинг дунёқараши, қадриятлари ва дидини шакллантиришга ёрдам бераётган маданият соҳаси муҳим ўрин тутади. Сўров натижаларига кўра, хонадонларда кутубхоналарнинг мавжудлиги ҳам юксак маънавиятни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Маънавий-ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги фуқароларимиз шахсий ва ижтимоий онгининг муҳим жиҳатларидандир. Ҳамюртларимиз буюк аждодларимиз, уларнинг илмий ва тарихий мероси, халқимизнинг меҳмондўстлиги ва меҳнатсеварлиги билан фахрланади. Сўралганларнинг 49,1 фоизи турмуш тарзи ва маданияти миллий урф-одатлар ҳамда анъаналарга асосланишини эътироф этганки, бу уларнинг миллий ғурурини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўралганларнинг аксарияти (85,8 фоизи) ижтимоий мақсадлар тизимини ишлаб чиқишда оила муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонади. Замонавий оила ва ижтимоий онгда катталарни ҳурмат қилиш, жамиятда ўзини муносиб тута билиш, камтарлик ва меҳнатсеварлик, ўсиб келаётган авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий қадриятлар ҳисобланади. Бу борада ёш авлод ота-оналарининг фикрини маъқуллайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, сўров натижаларига кўра, сўнгги беш йилда ёшларни тарбиялашда улкан ҳаётий тажрибага эга катталарнинг ўрни икки баробардан ошган. Зеро, халқимизда маънавий-ахлоқий қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Барқарор тараққиётнинг амалий ифодаси

**Бир рақам шарҳи**

**2011** йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши **8,2 фоизни ташкил қилди.**

*Қўлга киритилган бундай юқори натижа ҳақли равишда дунё ҳамжамиятининг ҳавасини келтириб, ҳайратини ошираяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сабаби, кўплаб давлатлар ҳамон глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг исканжасидан тўла халос бўла олмаяпти. Бу эса жаҳон иқтисодиёти ривожига ғов бўлиб, уни орқага тортаётир.*

*Эътиборлиси, Жаҳон банкининг маърузасида айтилишича, Ўзбекистонда энг юқори иқтисодий ўсиш суръатлари келгуси йилда ҳам сақланиб қолади. Чуқур таҳлил ва аниқ далиллар асосида берилган бу баҳо Президентимиз раҳнамолигида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг нақадар юксак самаралар бераётганидан ёрқин далолатдир.*

*Дарҳақиқат, ривожланишнинг "ўзбек модели" деб тан олинган тадрижий тараққиёт йўлимиз республикамиз иқтисодий қудратини юксалтириш, унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаяпти. Жумладан, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларини, 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш дастурининг ижроси тўлиқ таъминланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичларини жадал ва барқарор ривожлантириш имконини берди.*

# ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ

***Бугун тарихий анъаналаримизнинг асосий кўринишларидан бўлган миллий ҳунармандчилик намуналари аждодларимизнинг азалдан ҳунар эгаллашга, шу орқали ўзи ва оиласи учун даромад манбаи яратишга, энг муҳими, бирон хайрли иш билан атрофдагиларга фойда етказишга ҳаракат қилиб келганидан далолат бериб турибди.***

Мазкур миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш, асраб-авайлаш ҳамда замонавий эркин бозор муносабати асосида такомиллаштириш ҳаётимиз фаровонлашувида муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар айни йўналишда барқарор ривожланиш кафолатига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оила-

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

вий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ривожланиши учун қонуний шарт-шароит яратиш зарурлиги алоҳида таъкидланганлиги фикримиз тасдиғи бўла олади.

Давлатимиз раҳбари Концепцияда "Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим", дея алоҳида таъкидлаб ўтганининг замирида улкан маъно мавжуд ва буни ҳар биримиз тўлиқ англаб етишимиз керак.

(Давоми 2-бетда).




**Сиз компьютер ва маиший техника, озиқ-овқат маҳсулотлари, қоғоз ҳамда канцтоварлар, мебель, тўқимачилик ва бошқа маҳсулотларни етказиб бера оласизми?**

**Унда 26 000 харидорнинг бепул интернет базаси сизнинг хизматингизда.**

# www.xarid.uzда

## изланг, топинг ва савдоларда иштирок этинг!

(Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва давлат харидларига жалб қилиш дастурига мувофиқ)

UZ EX

**Қўшимча маълумот учун телефон: (8-371) 113-33-30.**

1508R/860

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

*қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходим-тадқиқотчи ва стажёр-тадқиқотчи-изланувчига*

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

### КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ТАДҚИҚОТЧИ

**05.19.03** — Тўқимачилик материаллари технологияси

### СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИ-ИЗЛАНУВЧИ

**02.00.06** — Юқори молекуляр бирикмалар кимёси
**05.02.13** — Енгил саноат машина ва агрегатлари
**05.02.15** — Матбаа ишлаб чиқариш машиналари, агрегатлари ва жараёнлари
**05.02.18** — Механизмлар ва машиналар назарияси
**05.17.15** — Кимёвий толалар технологияси
**05.19.02** — Тўқимачилик хом ашёларига дастлабки ишлов бериш
**05.19.03** — Тўқимачилик материаллари технологияси
**05.19.04** — Тикувчилик буюмлари технологияси
**08.00.08** — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит
**08.00.13** — Менежмент ва маркетинг

***Катта илмий ходим-тадқиқотчи ҳамда стажёр-тадқиқотчи-изланувчига кирувчилардан ариза ва ҳужжатлар 2011 йил 25 ноябргача қабул қилинади.***

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бош биноси, 79-хона.**

**Телефонлар: (8-371) 253-69-31, 253-61-05.**

1488R/1262

---

Яхши хабар

# Бир йўналишда йигирмата лойиҳа

***Бекобод туманидаги “Бекзодбек — Шоҳруҳбек” деҳқон хўжалигида банкнинг 142 миллион сўмлик кредити эвазига паррандачилик фермаси ташкил этилди.***

Айни пайтда 6 киши меҳнат қилаётган хўжаликда йилига 1,7 миллион дона тухум етиштириш имкони вужудга келди. Йил якунига қадар эса ҳудуддаги савдо шохобчаларига 200 миллион сўмликка яқин маҳсулот етказиб бериш режалаштирилган.

Шуниси диққатга сазоворки, вилоятда жорий йилнинг олти ойи мобайнида паррандачиликни ривожлантириш бўйича 20 та лойиҳа амалга оширилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---



## ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

1012R/227

---

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Самарқанд вилояти филиали

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Суд ижрочилари Пастдарғом тумани бўлими томонидан, Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2010 йил 21 майдаги 14-1012/4848 (27.1)-сонли, 2010 йил 2 декабрдаги 14-1010/17946-сонли, 2011 йил 7 февралдаги 14-1015/13006-сонли ва 2011 йил 15 мартдаги 14-1115/849-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, Жума шаҳри, Нодирабегим кўчасида жойлашган «Искандар савдо мажмуаси» МЧЖнинг барча мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 277 100 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2011 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Ушбу мулклар 2011 йил 13 декабрь куни аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 30 декабрь ва 2012 йил 17 январь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига бориб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 ва 233-80-13 телефонлари ёки www.1kms.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609013, МФО: 00282, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.**

*Лицензия: RR-0001.*

1512R/773

---

• MEBEL
• LDSP
• POROLON
• SEMENT
• HAR XIL MIXLAR
• ELEKTROD
• REYKALAR
• IZOL

MEBEL VA QURILISH MATERIALLARI KENG ASSORTIMENTDA — AFAYZ



**Тел.: 279-00-88.**

1396R/

---

Tsh 64-20438253-01: 2011

*ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:* ООО «TAYFUN PLASTIK»

## ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные



Ф/О — безналичный расчет

*ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:*

## КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах

для производства полипропиленовых мешков, может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

**Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.**

**КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ**

1338R/1142

---

*Харидорлар диққатига!*

## Шўртан газ-кимё мажмуасида

ишлаб чиқариладиган полиэтилен гранулаларининг Республика товар ва хом ашё биржасида қўйиладиган бошланғич (декларация) нархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан **2011 йил 8 ноябрдан бир тоннаси учун 1 591 200 (бир миллион беш юз тўқсон бир минг икки юз) сўм** миқдорида қайта белгиланди.

**Янги нарх 2011 йил 25 ноябрдан амал қилади.**

1511R/49

---

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 387,1 ▼ -8,9 | ШРОТ 297,4 ▲ +2,1 | ШЕЛУХА 126,1 ▲ +3,8 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4555,1 ▲ + 258,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4618,6 ▼ - 263,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4912,3 ▼ - 30,0 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 2776,6 ▲ +522,2 | КЎМИР(бпк) 39,2 ▼ -1,0 |

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ВАТАН ИҚБОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, ёш рассомлар ва амалий санъат усталарини кашф этиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Навқирон Ўзбекистон” анъанавий маданият фестивали жамғарманинг мазкур йўналишдаги энг йирик тадбирларидан бири ҳисобланади.

2005 йилдан эътиборан ўтказиб келинаётган “Келажак овози” республика ёшлар танловида бугунгача минглаб ўғил-қизлар иштирок этди. 2010 йилда БМТнинг мамлакатимиздаги Ахборот маркази (UNIC) ҳамда Аҳолишунослик фонди (UNFPA) “Келажак овози” танловини ёшларга қаратилган энг яхши лойиҳа, дея эътироф этди.

...Фонд Форум ва “Меҳр нури” жамғармаси томонидан уюштириладиган Таълим грантлари ҳамда Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурини мамлакатимиз абитуриентлари ва талабалари жуда яхши билишади. Таълим грантлари олий ўқув юртида шартнома пулини тўлаш, стипендиялар дастури эса жамғарманинг қўшимча ойлик стипендиясига эга бўлиш имкониятини беради.

Энди айтинг, бундай кенг кўламли тадбирлар болажон, ўзидан кўра фарзандини ўйлаб, унинг тарбиясига жиддий масъулият билан қарайдиган халқимиз учун айни муддао эмасми?!

> — Мен истиқлол йилларида камол топиб, муваффақиятга эришаётган ёшлар сафида эканлигимдан ҳамиша фахрланиб юраман, — дейди “Ниҳол” мукофоти соҳиби Дилдора Қурбонова. — Бугунги кунгача жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бўлиб ўтган нуфузли санъат анжуманларида қатнашдим. Хориждаги тенгдошларимиз бизга ҳавас қилишади. Биз бундай эътирофга муносиб бўлишимиз керак, албатта. Бугунги мураккаб ва таҳликали вазиятда дунёга кўз-кўз бўладиган даражадаги муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Чиндан ҳам, телевизор орқали кўриб, интернетдан бохабар бўлиб турибмизки, Ер юзидаги барча мамлакатларда ҳам вазият барқарор эмас. Бошқача айтганда, дунё чайқалиб турибди. Айрим юртларда кунда-кунора уруш-тўполон, хунрезлик, баъзи давлатларда эса турли инқирозларга дуч келинаяпти. Бизда эса тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Мана шундай осуда ҳаётнинг қадрига етиш биз, ёшлардан, айниқса, катта масъулият талаб этади.

Тарихдан маълумки, эътибор бор жойда ўсиш, ўзгариш бўлади. Вужудда ҳар қанча истеъдод, ҳар қанча иқтидор бўлмасин, у қўллаб-қувватланмаса, орзу орзулигича қолиб кетади. Шу маънода, ёшларимизнинг ўз тақдирларидан беҳад миннатдор бўлиб, олға интилишлари бежиз эмас. Президентимизнинг эътиборлари, ғамхўрликлари оғушида камол топаётган фарзандларимизнинг ютуғи улкан ислоҳотларнинг амалий самарасидир.

— Яхши биламизки, ҳали-ҳануз дунёнинг кўплаб давлатларида молиявий инқироз давом этмоқда, — дейди Янгийўл туманилик Улуғбек Шодиев. — Яқинда интернет орқали бир мақола ўқидим. Унда иқтисодий инқироз Европа мамлакатларидан бирида истиқомат қиладиган бир ёш оила тақдири мисолида кўрсатилган. Мақолада айтилишича, оила бошлиғи ёш, билимдон йигит экан. У хусусий корхонада етакчи мутахассис бўлиб ишлаётгани боис кредитга уй ва машина олган. Ойма-ой кредитни ўз вақтида тўлаб бораётган йигитни тўсатдан ишдан бўшатишади. Негаки, инқироз у ишлаётган корхонага ўз таъсирини ўтказибди. Корхонанинг аҳволидан воқиф бўлган банк эса машинани ҳам, уйни ҳам қайтариб олиб қўяди. Бундай зарбани кўтара олмаган йигитнинг ғазаби қайнаб, Парламент биносига бориб, жанжал кўтаради, ойналарни синдиради. Бу қилмиши учун эса қамоққа олинади. “Мен учун ҳаммаси тугади, — дейди у. — Молиявий инқироз оиламни барбод қилди. Бундай яшашнинг кераги йўқ”.

— Бу воқеани бежиз тилга олмаяпман, — дейди суҳбатдошимиз. — Гап шундаки, инқироз деб аталмиш молиявий офат бундай фожиаларни келтириб чиқараётган бир пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий фирмалар мунтазам фаолият юритаяпти. Ёшлар йилида яратилган беқиёс имтиёзлар туфайли минглаб ёш оилалар уйли-жойли бўлишди. Масалан, менинг ўзим ҳам кредит ҳисобига уч хонали уй олдим. Ишим, топиш-тутишим яхши. Барча тўловларни ўз вақтида топшираяпман. Оилам тинч, фарзандларим саломат. Буларнинг барчаси ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга ошириб борилаётганидан, юртимизнинг файзли ўлка эканлигидан дарак беради.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариш, қобилиятини тоблаш давлатимизда ҳар доим устувор аҳамият касб этган. Буни 2010 йилда — “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Эътибор беринг, мазкур дастур рўёби учун қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион АҚШ долларилик маблағ йўналтирилган. Бу эса, ўз навбатида, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини туғдирмоқда.

Энг муҳими, бундай эътибор ва эъзознинг тафти худди аввалги йилларда бўлганидек, 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам ёшларимизга шижоат бахш этди. Ўз ўрнида ёшларга қаратилаётган меҳр ва эъзоз туйғуси шу юртнинг мусаффо осмони, зилол суви, беқиёс имтиёзу имкониятларидан баҳраманд бўлиб умргузаронлик қилаётган ҳар бир фуқарони масъулиятли бўлишга ундайди. Бу масъулият шундаки, фарзандимизнинг ўқишидан тортиб, хулқ-одобигача назорат қилсак, маҳалламизга кимлар келиб-кетаяпти, бефарқ бўлмасак, ён қўшниларимизга жон қўшни деб қараб, меҳр-оқибат сингари азалий хислатларимизни улуғласак, мамлакат тинч, дастурхонимиз файзли, хонадонларимиз саодатли бўлади. Истиқлол фарзандлари эса Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмонанд юртимизнинг бугуни ва эртаси учун муносиб кишилар бўлиб камол топаверади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

---

### Мерос

***Хоразм Маъмун академияси олимларидан иборат археология гуруҳи воҳадаги қадимий Хумбузтепа ёдгорлигида қазишма ишларини олиб боришди.***

## Хумбузтепадан ноёб топилма

Бу ердаги илмий тадқиқотлар жараёнида зардуштийлик дини маросимлари ўтказиладиган оташгоҳ мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, ёдгорликдан милоддан аввалги V-IV асрларга оид сопол идишлар, бронзадан ясалган билагузук ва камон ўқининг учи топилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қадимий ашёларнинг топилиши юртимизда зардуштийликнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ қимматли маълумотлар беради.

**О. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## Глюкоза ўзимизда тайёрланади

***Тошкент кимё-технология институти олимлари Ҳасан Ҳасанов ва Муяссар Зокирова томонидан маккажўхори крахмалидан глюкоза препарати олиш технологияси яратилди.***

### Янгилик

Тажриба-синов усулидан муваффақиятли ўтган ушбу янгилик тиббиётда катта талабга эга бўлган глюкозани илк бор Ўзбекистонда оммавий ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

— Ушбу ишланма узоқ йиллик изланишларимиз самараси, — дейди биология фанлари номзоди, доцент Ҳасан Ҳасанов. — Агар уни ишлаб чиқаришга жорий эта олсак, катта миқдордаги валютани тежаб қолиш баробарида, маҳсулотни экспорт қилиш имконияти яратилади.

Юқорида таклиф этилаётган технологияни фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида қўллаш мумкин.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

---

# ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЖАВОҲИРИ

***Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат миллий қадриятларимизнинг жавоҳирларидир. Истиқлол йилларида ана шу қадриятларимиз қадр топди. Бебаҳо меросимиз эъзозу эътиборга сазовор бўлди.***

***2006 йили БМТнинг Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг бевосита кўмагида ташкил этилган Бойсун миллий ҳунармандчилик маркази бошлиғи Ҳанифа Салимованинг айтишича, ҳунармандчилик туғма истеъдодни талаб этади. Ҳунарманд ёлғиз ишлайди. Хом ашёни ўзи танлайди. Ўзи тайёрлайди. То кўнгли тўлгунига қадар қиёмига келтириб ишлов беради.***



— Кўпкарида чопағон учун отнинг ўзи бир ҳиссаю эгари бир ҳисса, — дейди кўпкари устаси Тўра Хўжакелдиев. — Яхши эгар отга ҳам, чавандозга ҳам жойлашувли келади. Яхши эгар отнинг қовурғаларига ботмайди, унга куч ва кўрк бағишлайди. Эгари яхши бедовдан чавандоз ҳадеганда йиқилиб тушмайди. Эгарнинг қуйруғи ва боши чавандозни суяйди, унинг яхшиси бозорда ҳамиша битта семиз қўй баҳосига сотилади. Ҳозир вилоятда ўнлаб ҳунармандлар эгар тайёрлаш билан шуғулланадилар. Шулардан бири — Далварзин қишлоғида истиқомат қилувчи Абдураим Омонов. Абдураим ака уч ўғлини ва бешта неварасини ўз касби сир-асрорларини ўргатишга жалб қилган. Хонадонларида ўзига хос ҳунармандчилик корхонасини очган. Улар эгар-жабдуқ, узанги ва чавандозлар учун этик тикиш билан шуғулланадилар.

Бойсун ҳунармандлар марказида халқ амалий санъатининг яна бир сеҳрли дурдонаси — “Жанда” деб аталувчи мато ишлаб чиқарилади. Бу турдаги мато яқин атрофда фақат Бойсунда тўқилади. Хўш, унинг чит ёки сатинга ўхшаш матолардан фарқи ва хусусияти нимада?

Жандани тўқиш учун, аввало, пахта калаваси яхшилаб оқланади. Калавага тўқувчининг ўзи дид билан ранг беради. Сўнг толани жой-жойига қўйиб даврага, яъни ўқловга ўрайди-да, дастгоҳга жойлаштириб иккита моки билан тўқий бошлайди.

Бошқа матоларга, биламизки, саноат асосида босма гул берилади. Ёки матони тўқиш жараёнида унга гул солиб борилади. Бу усулда эса гул матонинг бир томонига туширилади. Шунга қараб, матонинг ўнг ва терс томонлари ажратилади.

Жанда матосининг эса ўнг ва чап томони бўлмайди. Чунки унинг ҳар икки томонига ҳам бир шаклда баравар гул берилади. Тўқимачилик саноати ҳали ўрганиб улгурмаган бу усулга, айниқса, чет эллардан келадиган сайёҳларнинг қизи-

### Ҳунармандчилик

қишлари бошқача: Ғарб ва Шарқнинг ўнлаб мамлакатларидан Сурхондарёга ташриф буюрган меҳмонлар айнан шу қизиқиш юзасидан узоқ Бойсун шаҳрига қўниб ўтишдан эринмайдилар. Жанда тўқиш жараёнларини кузатадилар. Ҳунармандларнинг маҳоратидан лол қолиб, бу матоларни харид қиладилар. Шунингдек, марказда тўқилаётган олача, адрас саллабоп матолар ҳам уларнинг эътиборини тортиб келади.

Аввал бу ерда атиги бир киши жанда тўқирди. Жанда тўқувчилар ҳозир беш нафарга етди: Дилафрўз Сиддиқова, Саломат Ражабова, Мафтуна Баҳромова... ҳаммаси — ёш қизлар. Миллий ҳунармандчилигимизнинг фидойи чеварлари.

— Жамоамизнинг 26 аъзоси бор, — дейди туман ҳунармандчилик маркази раҳбари Олим Орипов. — Дурадгорлик, темирчилик, тўқимачилик, тикувчилик сингари ўнга яқин йўналишда фаолият юритамиз. Бойсуннинг бешиклари чақалоқни ўзи тебратиб, ўзи алла айтгандай бўлади. Усталаримизнинг қўлидан чиққан пичоқ тошни кесади. Патгилам, ўрмаки гиламларимизнинг ранги ўзгармайди — ўнгмайди.

Уюшманинг режалари кўп. Қишлоқларда эгарчи, ўтовсоз усталар камайиб қолди. Ёшларни бу ноёб касбларга ўргатиш керак. Косиблик устахоналари ўрнида бунёд этилган дурадгорлик, мебелсозлик фабрикаларини малакали мутахассислар билан тўлдириш лозим. Президентимизнинг “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонини дастуриламал билиб, маҳаллаларда ёшларни бу соҳага кўпроқ жалб этиш тадбирлари олиб борилаётир. Янги иш ўринлари очилаяпти. Маҳаллий хотин-қизларни касаначилик асосида ҳунармандчиликка жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳунармандлар ўз истеъдод ва маҳоратларини бунёдкорлик салоҳиятига узвий боғлаган ҳолда олиб бораяптилар. Бу боғлиқлик нафақат туман, балки бутун воҳа ҳунармандлари фаолиятида кузатилаяпти. Вилоят ҳунармандлар уюшмасига ҳозир 300 нафардан зиёд истеъдод соҳиблари бирлашган. Улар томонидан шу йилнинг ўзида 500 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Соҳада 1,5 мингдан кўпроқ иш ўринлари яратилди. Жарқўрғонлик бўйрачи ва кигизчилар, деновлик заргар ҳамда тунукасозлар, шўрчилик зардўзлар ва миллий дизайн усталари, узунлик ҳамда қумқўрғонлик дурадгор ва темирчилар миллий ҳунармандчилигимиз анъаналарига сайқал бериб, азалий қадриятларимизни эъзозлаш ҳамда равнақ топтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


15 ноябрь

Қурилиш техникасининг кўргазмаси

Соат 10:00

Тел.: (+99871) 120 60 97
(+998 90) 968 11 75

Манзил:
Тошкент ш., Оҳангарон йўли, 2. Мўлжал: Роҳат кўли, «ЎзкейсМаш» ҚК.

NEW HOLLAND CONSTRUCTION
FIAT INDUSTRIAL
www.uzcase.com
ucs@uzcase.com




1468R/1275



• Реклама ва эълонлар •

Standard Insurance

Лицензия СФ № 00154
26.05.2011 йил

**Корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги

**«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги

Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида «Standard Insurance» МЧЖ томонидан корхоналар/иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси амалга оширилмоқда.

Суғурта агентларини суғурта шартномаларини тузиш учун ўзаро ҳамкорликка таклиф этамиз.

***«Standard Insurance» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари марказларида ўз минтақавий филиалларига эга.***

1414R/1224

**Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко к., 31-уй.**
**Телефонлар: (+998 71) 281-55-26 (71), 281-56-03 (18), (+998 97) 785-99-33, 483-99-33. Факс: 281-55-27.**



**Полиграфия корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси**

**2012 йилга давлат статистика ҳисоботлари шаклларини нашр этиш бўйича савдо (тендер) танлови эълон қилади.**

**Талабгор полиграфия корхоналари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:**

— полиграфия соҳасида сўнгги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши;
— нашр ишларини субпудрат ташкилотларини жалб қилмасдан амалга ошириш учун зарур асбоб-ускуна, техника воситалари ва кадрларга эга бўлиши;
— шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ҳамда ваколатига эга бўлиши.

Савдо танлови бўйича ҳужжатларни ариза берилганидан сўнг (фирма бланкасида раҳбар имзоси билан) Давлат статистика қўмитасида қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 63-уй, 6-қават, 614-хона. Телефонлар: (8-371) 230-81-60, 230-80-82.**

Танлов бўйича таклифларни конвертларда юқорида кўрсатилган манзилга савдо ўтказиладиган куни соат 11.00 гача тақдим этиш мумкин.

Танлов бўйича таклиф конвертлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кундан кейин Давлат статистика қўмитасида соат 16.00 да танловда қатнашувчи корхоналар вакиллари иштирокида очилади.

1510R/1298


## ОБ-ҲАВО

**(10 ноябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


| ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) | АРМАТУРА | ШИФЕР (1 лист) | АЗОТ. ФОСФОР. ЎҒИТИ |
|---|---|---|---|---|
| 308,7 ▲ +103,9 | 168,5 ▼ -18,7 | 3598,8 ▲ +329,2 | 15774 ▼ -57 | 370,1 ▲ +0,5 |

Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5